

## **2016 йилда ўтказилган халқаро тадбирлар рўйхати**

**2016 йилнинг 29 февралдан 4 мартгача** вазирлик ходими Қозоғистоннинг Алматы шаҳрида ўтказилган Аҳолига метеорологик хизмат кўрсатиш бўйича минтақавий семинарда иштирок этди.

**2016 йил 7 март куни** вазирлик ходимлари Япония томонидан тақдим этилган таклифларни муҳокама қилиш мақсадида Япония мудофаа вазирлиги делегатсияси билан Тошкент шаҳрида ўтказилган учрашувда иштирок этишди.

**2016 йил 9-10 март кунлари** вазирлик биносида Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда офатларга тайёргарлик кўришни кучайтириш” лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида ишчи учрашув бўлиб ўтди.

**2016 йил 10-11 март кунлари** вазирлик ходимлари Тошкентнинг “Радиссон Блу” меҳмонхонасида Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда офатларга тайёргарлик кўришни кучайтириш” лойиҳасининг навбатдаги йиғилишида иштирок этишди.

**2016 йил 23 март куни** вазирлик ходимлари Тошкент шаҳридаги “Ўзекспомарказ” кўرғазмалар марказида бўлиб ўтган 8-Халқаро саноат форумида иштирок этишди.

**2016 йил 25–29 март кунлари** вазирлик ходими Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрида ўтказилган “Хавфсиз шаҳар” мавзусидаги семинарда иштирок этди.

**2016 йил 24 март куни** Франсиянинг ва Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари зилзила вақтида тўғри ҳаракат

қилиш қоидалари бўйича ўқув машқларида қатнашиш учун ФМИ қошидаги Зилзилани симулясия қилиш марказига ташриф буюришди.

**2016 йил 26 март куни** вазирлик ходимлари «Гранд Мир» меҳмонхонасида ўтказилган ЖИСА ўқув курслари битирувчиларининг учрашувида иштирок этишди.

**2016 йил 30-31 март кунлари** вазирлик ходимлари «Гранд Мир» меҳмонхонасида “Дистирлаб” компанияси томонидан ўтказилган илмий-амалий семинарда иштирок этишди.

**2016 йил 4-7 апрел кунлари** вазирлик ходими Россиянинг Химки шаҳри Россия ФВВ Фуқаро муҳофазаси академиясида фуқаро мудофасии ўқув муассасалари вакилларининг халқаро ишчи учрашувида иштирок этди.

**2016 йил 20 апрел куни** вазирлик ходими Тошкент шаҳрида ўтказилган “Замонавий хавфсизлик тизимлари” мавзусидаги конференсияда иштирок этди.